

---

## Бугун ҳаммамиз пахтакорларга мададкормиз!

Халқ банки Ёзёвон филиали ходимлари Қорасоқол ММТП худудидаги „Боқий“, тиббиёт бирлашмасидагилар Марказий Фарғона ММТПдаги „Бениамин футуре“, туман йўлсозлари „Яхши ният“ фермер хўжалиги далаларида пахта тераётган опа-сингилларни йўқлаб боришди.

„Хорманг“, „Бор бўлинг“дан сўнг теримчиларга совғалар улашилди.

Туман ҳокими ўринбосари-оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саидахон Усмонова ирригация бўлими бошлиғи Жаҳонгир Абдуллаев билан биргаликда „Озодбек“, маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи Мўсожон Охунов Истиқлол ММТПдаги, туман халқ таълими бўлими мудирини Фозилжон Юлдашев „Ҳожибуво“ фермер хўжаликларида пахта тераётган олтин қўлли опа-сингилларимизга совғалар топшириб, раҳматлар айтишди.

Ҳурматли раҳбарлар!

Пахтазорга бориб, совға топширганнингизда теримчи юртдошларимизни қувонганини кўрдинигиз(ми?). Ҳа, улар ҳақиқий яратувчилардир. Бир оғиз раҳмат айтиб, хабар олиш уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади. Бу савоб ҳам.

Бундай хайрли ишлар давом этипти.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-09-14 21:12:43